

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУОМАЛА ЭТИКАСИ

Майрам Самадовна Ходжиева

Олиябегим Солижон қизи Фармонова

Бухоро давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабгача ёшдаги бўлган болалар нутқининг ривожланиши, сўзларни тўғри талаффуз қилиниши ва сўз бойлигининг ортишида муомала этикасининг ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: бола, нутқ, этика, сўз бойлиги, муомала, мактабгача давр.

ETHICS OF TREATMENT IN THE DEVELOPMENT OF SPEECH IN PRESCHOOL CHILDREN

Mayram Samadovna Khodzhieva

Oliyabegim Solijonovna Pharomonova

Bukhara State University

ABSTRACT

The article provides information about the development of speech of preschool children, the formation and correct pronunciation of words and the ethics of treatment, the increase in verbal wealth.

Keywords: child, speech, ethics, vocabulary, treatment, preschool period.

КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ янги, ривожланган жамият қуриш йўлига кирди. Заҳматкаш ҳалқимиз ўзининг фидоий меҳнати ва тинч ҳаёти билан дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш мақсадида барча соҳаларда чуқур ислоҳотларни амалга ошира бошлади. Келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз қалби, онги ва шуурига ўлкан таъсир кўрсатмоқда. XXI асрга қадам қўйган ўзбек ҳалқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Албатта ушбу ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлар билан бир қаторда баркамол авлодни вояга етказиш, улар нутқини ўстириш муҳим ўрин тутади.

Нутқ маданиятиниң ривож топишига улкан хисса күшган Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Юғнакий, Имом ал-Бухорий. Имом ат-Термизий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Рудакий каби буюк даҳолар яратган асарларда нутқ ва

унинг инсон ҳаёти, фаолиятдаги аҳамияти эркин мисолларда ўз ифодасини топган. Шунингдек, Бехбудий, Фитрат, Қори-Ниёзий, Мунаввар Қори, Сайдрасул Сайдазизов ҳам ўзларининг ижод намуналарида бола нутқини ўстиришда асосан нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қимматли фикрларни билдирганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Баркамол, ҳар томонлама етук ва соғлом фарзанд тарбияси оиладан, хали бола туғилишидан олдин бошланади. Бола туғилгунигача унинг тўла қонли ва сифатли, ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиши бўлиши учун шароитни тайёрлаш керак. Аввало ота-онанинг ўзи фарзанд кўришга ва уни тарбиялашга тайёр бўлиши керак, улар ҳам рухан ҳам иқтисодий томондан тайёр бўлишлари талаф этилади.

МУҲОКАМА

Болалар дунёга келган кундан бошлаб улар билан бурро, ҳар бир сўзни тўлиқ ва тўғри талаффуз этиш талабэтиди. Масалан: нон-“мамма”, сув-“бувва” ва шу каби нотўғри сўзлар билан алмаштирилмаслиги керак.

Хусусан, болаларнинг уч ойлигидан бошлаб нутқ муомаласига катта эътибор бериш керак. Болаларда кун сайин сўз бойлиги ортиб боради. Ёшлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, **1 ёш 3 ой** бола 6 тага яқин сўзни билади. Оддий талабларни тушуна олади, таниш сўзларни расмда кўрсата олади, **1 ёш 6 ой тана аъзоларининг 1/2 қисмини** айта олади, 7-20 тагача сўзни билади, **1 ёш 9 ой танасининг 3/4 қисмини** айтади, 20 та сўзни билади. Икки сўздан иборат бўлган ибораларни қўллайди. Масалан: “овқат бер”, “бобо келди”, **2 ёшда** бола танасининг 5 қисмини айта олади, 50 га яқин сўзни билади. Икки босқичли ибораларни тушунади “сочиқни олиб кел”, “ташкарига чиқиб”, “оёқ кийимингни еч”. “Мен”, “Сен”, “У” каби сўзларни фарқлай олади, тушунади. Иборалари икки сўздан иборат. п, б, м, ф, в, т, д, н, к, г, ҳ ҳарфларни айта олади, с, з, ш, ж, ч, р, л ҳарфларни одатда қолдириб кетади.

НАТИЖА

Мана шу даврда бола қолдириб кетадиган, сўзларидаги камчиликларини тўғри талаффуз қилиб бола билан тез-тез такрорлаб туриш керак. Болани эркалаб, аксинча у билан қўшилиб ота-онанинг ўзи ҳам бола сингари сўзлашмаслиги керак. **2 ёш 6 ой бу ёшда бола сонларни тушуна бошлайди.** “Нима?”, “Қаерда?” саволларни тушунади. с, з, л ҳарфларини айта олади. **3 ёш боланинг сўз бойлиги** 250-700 гача, иборалари бир нечта сўздан иборат. Кўпликни билади. “Чунки”, “Агар”, “Қачон” сўзларини ишлата олади. Қийин талабларни тушунади. Масалан: косанинг овқатини қошиқда е. Енгил эртакларни эшитиб, тушунади. **4 ёш**

"Қанча", "Ўрнига", "Кейин", "Қаерга" каби сўзларни ибораларда ишлата олади. Сўз бойлиги 1500-2000 гача. "Болаларча" ҳарфларни юмшатиб гапириши йўқолади. **5 ёш** Боланинг сўз бойлиги 2500-3000 га етади. Тилдаги барча ҳарфларни бемалол айта олади. Қийин ибораларни қўллаб, ўз фикрини, истагини ифодалай олади. Сўздаги ҳарфлар тартибини алмаштирумай гапиради. **5 ёшдан 7 ёшгacha** 7 ёшга келиб бола сўз бойлиги 3500 га яқин бўлади. Бунда таъсуротли сўзлар сони кўпаяди. Болада тилга эътибори ошади. Атроф-мухитни сўз билан баҳолай олиш қобилияти бўлади. Боланинг психологик ҳолати мактабга тайёрланади.

ХУЛОСА

Мактабгача таълим ёшидаги болалар етарлича фикрини аниқ ва равон ифодалай олмасликларининг асосий сабаби шундаки: 1) болалар нутқидаги нуқсонларни бартараф қилиш; 2) тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш; 4) сўз бирикмаси, лугат, гап устида ишлаш орқали оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш; 5) боғланишли нутқ устида ишлашда ўйин ва машқ машғулотларидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Боланинг нутқи 1 ёшдан сўнг ҳам бисқичма-босқич ривожланади. Ҳар бир босқичнинг ўзига яраша ютуғи мавжуд. Юқоридаги бёш босқичларини тўғри ташкил қила олинсагина болаларда нафақат сўзларни тўғри талаффуз қилиш балки сўз бойлиги хам ортиб боради.

REFERENCES

1. Авенесова В. С. Дидактическая игра как форма организации обучения в детском саду. Умственное воспитание дошкольника. М., 1972.
2. Азаров Ю. П. Оила педагогикаси. Т.: ўқитувчи, 1988.
3. Аҳмедова Х. Мактабгача таълим муассасаларида сұхбат ўтказиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 1975.
4. Бадиий терма китоб: Мактабгача таълим муассасаларининг катта гурухлари учун. Тузувчи С. Гозиева. Т.: Ўқитувчи, 1983.
5. Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури. Тузувчилар: М. Расулова, Қ. Абдуллаева, Р. Сафарова ва бошқ. Т.: ЎЗПФИТИ, 1999.